

DOI: <https://doi.org/10.57231/j.ao.2023.2.2.020>

МАҚСУДОВА ЗУЛФИЯ РУЗМЕТОВНАНИНГ ЮБИЛЕЙЛАРИГА

Бахритдинова Ф.А.¹, Маткаримов А.К.²

¹Тиббиёт фанлари доктори, Офтальмология кафедраси профессори, Тошкент тиббиёт академияси, bakhritdinova@mail.ru, <https://orcid.org/0000-0001-6252-3622>

² PhD, DMC инновацион клиникаси бош шифокори



1-Расм. Мақсудова Зулфия Рузметовна

2023-йил 28-март куни Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, Республика офтальмологлар ассоциацияси раиси, кўп тармоқли DMC - Доктор Мақсудова инновацион клиникаси директори, Мақсудова Зулфия Рузметовна таваллудининг 70 йиллиги нишонланади.

Зулфия Рузметовна Ўзбекистоннинг Фарғона вилоятида туғилган. 1970-йилда мактабни олтин медалга тамомлаб, Ўрта Осиё педиатрия тиббиёт институти - ҳозирги Тошкент педиатрия тиббиёт институтига ўқишга кирди. Институтни тугатгач тақсимот бўйича Тошкент шаҳридаги Тез тиббий ёрдам клиник шифохонасида врач офтальмолог сифатида меҳнат фаолиятини бошлади.

Зулфия Рузметовна ординатор бўлиб ишлаб, фақатгина клиника ишлари билан чекланиб қолмади. У шошилиш офтальможаррохликда янги ташхислаш усуллари ва замонавий ечимларни ўрганишга интиларди. Ёш шифокор Мақсудова ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланиб Собиқ иттифоқ Республикалари шаҳарлари: Киев, Ленинград, Одесса, Москва, шунингдек хорижда Австрия, Франция Япониядаги кўз клиникаларида ўз малакасини ошириб борди. Москвадаги курсларнинг бирида у профессор Святослав Николаевич Федоров билан учрашиш бахтига муяссар бўлди, у ёш шифокорнинг офтальможаррохлик техникасини ўзлаштиришдаги интилувчанлиги, билимга чанқоқлиги ва қатъиятини алоҳида олқишлади. Шундай қилиб у ТИТМ "Кўз микрохирургияси" офтальмология марказида ўқиш имкониятига эга бўлди ва у ерда профессор Федоровнинг шогирди сифатида таълим олди. Доктор Мақсудова ўзининг билими, машаққатли ва фидокорона меҳнати туфайли жуда қисқа вақт ичида кўз жароҳатлари каби мураккаб соҳада эътироф этилган мутахассисга айланди.

1985-йилда Зулфия Рузметовна Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасининг (ТШТТЁКШ) шошилиш кўз микрожаррохлиги ва кўз жароҳатлари бўлими мудири этиб тайинланди. Ушбу лавозимда у шошилиш тиббий ёрдам бўйича катта клиник тажрибага эга бўлди ва ўз тажрибаларини ҳамкасбларига улашди. Доктор Мақсудова раҳбарлигида бўлим нафақат Тошкент шаҳри ва республика вилоятлари, балки қўшни республикалар аҳолисига ҳам офтальможаррохлик йўналишида юқори малакали ёрдам кўрсатувчи марказга айланди. Амалий офтальмология соҳасида ишлаган Зулфия Рузметовна илм фан ютуқларини ўрганишда давом этди. 2007-йилда Тошкент тиббиёт академияси (ТТА) офтальмология кафедрасида илмий изланувчи бўлди. 2009-йилда "Кўрув нерви қисман атрофиясида комплекс даволаш самарадорлигини клиник ва функционал баҳолаш" мавзусида номзодлик диссертациясини профессор Бахритдинова Ф.А. илмий раҳбарлигида муваффақиятли ҳимоя қилган Мақсудова З.Р. ТТА офтальмология кафедрасида ўриндош

ассистент лавозимида ишлади. ТШТТЁКШ ва ТТА да ишлаган йиллар давомида у офтальможаррохлар, магистрантлар, клиник ординаторлар мактабини яратишга ва 100 дан ортиқ мутахассисларни тайёрлашга муваффақ бўлди. Ўз навбатида, кейинчалик Мақсудова З.Р. шогирдлари оғир кўз жароҳатлари бўлган 15000 га яқин беморларнинг кўриш қобилиятини сақлаб қолишди. Мақсудова З.Р. меҳнатлари давлат раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб 2015-йилда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими унвони, 2019-йилда "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланган.

Доктор Мақсудова ҳар доим беморларга индивидуал ёндашиш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлган хусусий тиббиётга қизиқиб келган. 1999-йилда Зулфия Рузметовна ўзининг биринчи кўз касалликлари клиникасини ташкил қилди, унинг асосида кўз тўр пардаси ва кўрув нерви касалликлари билан оғирган беморларда магнитотерапия, ретробульбар катетеризация каби самарали даволаш усулларини жорий этди, миопияга қарши курашда компьютер даволаш комплекси ва дастурларини яратди. 2005-йилда Доктор Мақсудова бошчилигида пойтахтимизда кинезитерапия маркази ташкил этилди, бу Ўзбекистонда илк бор беморларда умуртқалараро диск чурраси муаммосини жаррохликсиз, дори дармонларсиз, ноинвазив даволашнинг ўзига хос усулини жорий этиш имконини берди. Мақсудова З.Р. 2008-йилда дунёнинг етакчи ишлаб чиқарувчиларидан юқори технологик офтальмологик ускуналар билан жиҳозланган "BL LAZEROPTIKA" клиникасини ишга туширди. Клиника мутахассислари Австрия, Германия, Хиндистон, Корея, Россия, АҚШ ва Япониянинг етакчи клиникаларида малака оширишди. 2018-йилга келиб клиникада 11000 дан ортиқ рефракцион жаррохлик ва 7000 дан ортиқ бошқа микрожаррохлик операциялари ўтказилди.

2018-йилда "BL LAZEROPTIKA" негизида Мақсудова З.Р. "DMC" кўп тармоқли инновацион клиникасини ташкил қилган ҳолда офтальмология, кардиология, неврология, эндокринология, нейрохирургия, физиотерапия билан бир қаторда тиббиётнинг сомнология, компьютер биобошқарув, комплекс реабилитация, оғриқни даволаш маркази каби замонавий йўналишларни халқимизнинг саломатлигини сақлаш йўлида тақдим этди. 4 йил давомида клиникада 45000 дан ортиқ беморга тиббий хизмат кўрсатилди, улар орасида Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистон фуқаролари ҳам бор.

Доктор Мақсудова малакали тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш масалаларига ҳам катта эътибор қаратди. 2019-йилда клиника негизида Марказий Осиёда ягона Кўз микрожаррохлиги бўйича ўқув симуляцион марказ ташкил этилди. Муассасада EYESI VRMagic (Германия) дасту-



2-рasm. Ўзбекистон Республикаси Президенти мухтарам Мирзиёев Шавкат Миромонович билан

рий-технологик симуляцион қурилмасида офталможаррохларни катаракта факоэмулсификацияси ва витреоретинал жаррохлик йўналишида Европа стандартлари бўйича тайёрлаш имкони мавжуд.

2020-йилда бир гуруҳ соҳа фаоллари томонидан "Ўзбекистон офталмологлар ассоциацияси" нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ) сифатида рўйхатдан ўтказилди ва Мақсудова З.Р. ташкилот раҳбари этиб сайланди. Ассоциация ташаббуси билан етакчи хорижий ва маҳаллий ташкилотлар, хусусан, Россия оптометристлар миллий ассоциацияси, Россия миопия миллий институти, Ўзбекистон Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, Тиббиёт туризм ассоциацияси билан ҳамкорлик меморандумлари тузилди. Ташкилот раҳбарлигида 2021-2022 йилларда 2 та халқаро ва 2 та Республика миқёсида видеоконференция ўтказилиб, бу вилоятлардаги офталмологларга замонавий офталмологиядаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари билан яқиндан танишиш имконини берди.

Ўзбекистон офталмологлар ассоциацияси Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаб ўқувчилари орасида скрининг текширувлари ташкил этди, натижада скринингда қатнашганларнинг деярли 25 фоизиди рефрактив бузилишлар аниқланди. Тиббий кўрик натижалари шуни кўрсатдики, болаларнинг кўриш қобилиятини сақлаб қолиш учун оптометрия йўналишини тадбиқ


қилиш ва биринчи навбатда бутун мамлакат бўйлаб малакали оптометристларни тайёрлашни бошлаш кераклиги кечиктириб бўлмас заруратдир. Натижада, DMC инновацион клиникаси қошидаги ўқув – симуляция маркази Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган, ташкилот фаолиятига хос бўлган режа ва дастурга эга "Оптометрия ва инновацион ўқув академия"си этиб қайта ташкил этилди.

2022-йил ноябр ойида Ўзбекистон офталмологлар ассоциацияси, DMC инновацион клиникаси ва Lions Eye Institute трансплантация маркази (АҚШ) ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Меморандум доирасида Оптометрия ва инновацион ўқув академияси Марказий Осиё мамлакатлари орасида шох парда трансплантацияси бўйича ҳудудлараро ягона ўқув маркази сифатида эътироф этилди.

Мақсудова Зулфия Рузметовна 50 дан ортиқ нашрлар ва 10 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалар, иккита рационализаторлик таклифи, учта ихтиро муаллифи. Унинг ташаббуси ва яқиндан берган кўмаги орқали 3 та номзодлик ва раҳбарлиги остида 5 дан ортиқ магистрлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Доктор Мақсудова тажрибали клиницист ва ажойиб раҳбардир. Унинг мамлакатимиз тиббиётига қўшган фидокорона хиссаси инobatга олиниб махсус "Коронавирусга қарши фидокорона хизмати учун" медали билан тақдирланган.



3- расм. "Lions Eye Institute for Transplant and Research" институти (Тампа, АҚШ). билан ҳамкорлик меморандуми имзоланиши. Клиник ва инновацион ривожланиш бўйича директор доктор Эрик Абдуллаев билан



4- расм. Тиббий оптика ва оптометрия академияси (Москва, Россия). билан ҳамкорлик меморандумини имзолаш. Профессор Мягков А.В. билан

"Илғор офталмология" журнали тахририяти, Ўзбекистон офталмологлар ассоциацияси, кўплаб шогирдлари ва ҳамкасблари Зулфия Рузметовнани 70 йиллик юбилеи билан табриклайди, унга мустахкам соғлиқ ва ижодий узоқ умр тилайди!